

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5220100 – 3.09

2016 йил “08” 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2016 йил “25” 08

ТАХРИР МАҲОРАТИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “25” августдаги “355”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “8” августдаги 3-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Артикова М.Р. - ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар:

Дадахонов А. - ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси катта ўқитувчиси.

Саидов Ҳ. - “Бошланғич таълим” журнали бош муҳаррири,
(кадрлар буюртмачиси).

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2016 йил “8” июлдаги 11 - сонли баённома).

Фаннинг долзарблиги

Ушбу дастурда “Таҳрир маҳорати” фанининг мазмуни, предмети ва методи, унинг моҳияти, мақсади ва вазифалари, нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқий ва таъсирчанлиги, унинг услублари, меъёрлари, адабий нутқ асослари, матнларни таҳлил ва таҳрир қилиш каби мавзулар узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи назаридан мантиқий кетма-кетликда ўз аксини топган. “Таҳрир маҳорати” фани она тилидаги оғзаки ва ёзма нутқ маданиятининг назарий асослари, риторика ва ҳис-ҳаяжонли нутқ амалиёти ва ОАВ тилидаги экспрессивлик, баҳолашни аниқлаш, матн яратиш услублари, тил манбалари услубшунослиги, шунингдек, публицистик матнни таҳрир қилиш ва нашрга тайёрлашни ўргатишда муҳим роль ўйнайди.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Таҳрир маҳорати” умумқасбий фан ҳисобланиб, 1-курснинг 1-2-семестрда, 3-курснинг 5-6- семестрида ўқитилади. Мазкур дастурни амалга ошириш учун талаба ўқув режасига киритилган “Ҳозирги замон ўзбек тили”, “Лингвистик коммуникация воситалари тизими”, “Умумий психология”, “Ўзбек ва жаҳон адабиёти тарихи”, “Журналистикаси асослари” каби фанлардан билим ва кўникамага эга бўлиш талаб этилади.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

“Таҳрир маҳорати” фани бўлажак журналист ва муҳаррирнинг, ОАВда фаолият олиб боровчи мутахассиснинг нутқ маданияти, таҳрир маҳоратини, касбий малакасини оширишда зарур бўлган асосий фанлардан биридир. Чунки журналист маърифатчи, ташвиқотчи, тарғиботчи сифатидаги ижтимоий вазифасини тил воситасида амалга оширади. Бу фанни ўзлаштирмай туриб, касбни мукамал эгаллаб бўлмайди. Сўзни ўз ўрнида ва унумли қўллашни билмайдиган журналист, турли мавзулардаги матнларни таҳлил ва таҳрир қилиш сирларини мукамал эгалламаган муҳаррир журналистика ривожига ижобий ҳисса қўша олмайди.

Фанни ўқитишдаги замонавий ахборот ва педагогик технологиялар ҳамда ўқув машғулотларини лойиҳалаш

Талаба “Таҳрир маҳорати” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини татбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари ва таркатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда компьютер технологиялари ва дастурлар)дан фойдаланиш тавсия этилади. Техник ва кўргазмали воситалар машғулотнинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи томонидан белгиланади.

Фан ўқитувчиси томонидан педагогик ва модулли технология тамойиллари асосида “Таҳрир маҳорати” фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Фан модулининг дастури (module syllabus)

Ўқув курсининг тўлик номи:	Таҳрир маҳорати		
Курснинг қисқача номи:	ТМ	Код: ТМ	
Кафедра	Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти		
Ўқитувчи ҳақида маълумот:	Артикова Махфуза Равшановна	martikova@gmail.com	
Семестр ва ўқув курсининг давомийлиги:	1,2, 5, 6 – семестрлар, 76 ҳафта		
Ўқув соатлари ҳажми:	жами:	448	
	шунингдек:		
	Маъруза	94	
	Семинар		
	Амалий	172	
	мустақил таълим	182	
Ўқув курсининг статуси:	Умумқасбий фанлар блоки		
Дастлабки тайёргарлик:	Курс “Лингвистик коммуникация воситалари тизими”, “Журналистика асослари” фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.		
<p>Фаннинг предмети ва мазмуни: - талабаларга нутқ маданияти, стилистика, оммавий ахборот воситалари тили ҳамда таҳрир маҳоратининг назарий ҳамда амалий асосларини ўргатиш ва уларни амалиётда татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишга йўналтирилган.</p>			
<p>Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларни юксак даражадаги нутқ маданияти, мулоқот одобига, нутқнинг турли услубларига оид матнларни яратиш ва таҳрир қилиш, уларни адабий, бадиий нуқтаи назардан тўғри баҳолаш ва жанр талабларига мувофиқ тарзда нашрга тайёрлашга ўргатишдан иборат.</p>			
<p>Фаннинг вазифаси - уни ўрганувчиларга тўғри ёзиш ва тўғри талаффуз қилиш кўникмалари ҳамда лисоний таҳлил; адабий тил меъёрлари; нутқий одоб кўринишлари; таъсирли нутқ қуриш; нутқ услублари таснифи; матбуот жанрлари ва уларнинг тил хусусиятлари; газета жанрларининг ички тармоқланиши, ҳар бир жанрнинг тили ва услубий хусусиятлари; радио ва ТВ тили хусусиятлари, ифодалилик, матн тузиш принциплари; журналистик матнларни таҳлил ва таҳрир қилиш усуллари бўйича назарий-амалий билимларни узвийлик ва узлуксизликда ўргатишдан иборат.</p>			
<p>“Таҳрир маҳорати” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга оширилаётган масалалар доирасида талаба:</p>			
<ul style="list-style-type: none"> – адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари, уларга қўйиладиган талаблар; – нутқ услубларига хос стилистик белгилар ва тил воситалари; – жанрларнинг услубий кўринишлари; – тил воситаларининг семантик-стилистик ва формал-стилистик хусусиятлари, – ижодийлиги жиҳатдан баҳолаш; – матндаги турли хил нуқсонлар ва уларнинг турлари, табиати, юзага келиш сабаблари; 			

- газета жанрларининг лисоний-услубий хусусиятлари;
- теле, радиомулоқотнинг услубий хусусиятлари;
- оммавий коммуникация матнларини профессионал таҳрир қилишнинг психологик хусусиятлари;
- матн таҳрирининг мантиқий ва композицион асослари;
- материални баён қилиш усуллари ва ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳага оид матн таҳрири **ҳақида тасаввурга эга бўлиши**;
- ўзбек (рус) тилида сўз туркумларини ажратиш тамойилларини ва стилистик имкониятларини;
- нутқ услублари ва лингвистик стилистиканинг имкониятларидан журналистик фаолиятда фойдаланишни;
- сўзларнинг ҳиссий-таъсирий белгиларини;
- ўзбек (рус) тили воситаларининг услубий имкониятларини;
- стилистик меъёр ва адабий меъёр муносабатини;
- образли воситалар, стилистик санъатларни;
- турли матнларнинг тили, мазмуни ва ижтимоий аҳамиятини,
- адабий жиҳатдан малакали таҳрир қилишни;
- матн турларини фарқлашни;
- матн мантиқийлиги устида ишлашни;
- қўлёзма устида ишлашни;
- фактик материал устида ишлашни;
 - ахборот агентликлари материаллари матнлари устида муҳаррирлик қилишнинг ўзига хос жиҳатларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;
- ОАВда ахборотни ажрата олиш;
- фразеологизмлар, мақол ва ҳикматли сўзларни бадиий ва публицистик услубларда қўллай билиш;
- фактик материаллар асосида маълум назарий хулосалар чиқара олиш;
- матбуот тилида учрайдиган нутқий ғализлик, услубий нуқсонлар, тавтология, плеоназм каби услубий хатоларни аниқлаш ва уларга йўл қўймастик;
- газета учун материал тайёрлашда тилнинг тасвирий воситаларини қўллаш;
- матнларни профессионал муҳаррир сифатида ўқиш;
- муаллиф билан ишлаш;
- муаллиф услубини сақлаган ҳолда матнларни стилистик таҳрир қилиш;
- муҳаррир сифатида матнни таҳлил қилиш ва уни нашрга тайёрлаш;
- муҳаррирнинг матн ва нутқ (ҳикоя, баён ва ҳ.к) турлари билан ишлаши;
- китобнинг маълумотномаси билан ишлаш;
- қўлёзмани нашрга тайёрлаш бўйича **қўникма ва малакаларига эга бўлиши керак**.

**Курснинг тематик таркиби ва мазмуни
Нутқ маданияти:**

т/р	Мавзулар номи	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
1-семестр				
1.	Кириш. Ўзбек тили. Унинг ривожланиш босқичлари	2	-	2
2.	Юқори нутқ маданияти	4	4	4

	тушунчаси			
	Жорий назорат (ЖН)			
3.	Нутқ меъёри ва нутқий хатоликлар	2	-	4
	Оралик назорат (ОН)			
4.	Нутқий хатолар таснифи	2	4	4
	Жорий назорат (ЖН)			
5.	Морфологик хатоликлар	4	6	2
6.	Синтактик хатоликлар	4	6	2
	Якуний назорат (ЯН)			
	Жами	18	20	18

Стилистика:

т/р	Мавзулар номи	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
2-семестр				
1.	Стилистиканинг асосий тушунчалари	2	4	4
2.	Фонетик услубшунослик	2	4	4
3.	Фразеологик стилистика	2	6	6
	Жорий назорат (ЖН)			
4.	Сўз ясовчи қўшимчалар стилистикаси	2	4	4
5.	Морфологик стилистика.	4	14	12
6.	Лексик стилистика	2	8	6
	Оралик назорат (ОН)			
7.	Услубшуносликнинг синтактик манбалари	2	2	2
	Жорий назорат (ЖН)			
8.	Ўзбек тилининг функционал услублари	4	14	12
	Якуний назорат (ЯН)			
	Жами	20	56	50

ОАВ тили ва услуби:

т/р	Мавзулар номи	Маъруза	Амалий машғулот	Мустақил таълим
5-семестр				
1.	Кириш. ОАВ тили ва уни ўрганишнинг долзарб муаммолари	4	4	10
2.	ОАВ тилининг лексик	4	8	10

	хусусиятлари			
	Жорий назорат (ЖН)			
3.	Реклама тили ва услуги	4	8	10
	Оралиқ назорат (ОН)			
4.	Ахборий жанрлар тили ва услуги	6	10	10
5.	Таҳлилий жанрлар тили ва услуги	6	10	12
	Жорий назорат (ЖН)			
6.	Бадий-публицистик жанрлар тили ва услуги	4	8	10
	Яқуний назорат (ЯН)			
	Жами	28	48	62

Таҳрир

Т/р	Мавзу	Маъруза	Амалий (семинар)	Мустақил иш
6-семестр				
1.	Кириш. Таҳрир моҳияти ва вазифалари.	2	2	2
2.	Миллий матбуот тарихида таҳрирнинг ўрни ва аҳамияти	2	2	2
3.	Корректурa белгилари	2	4	4
4.	Таржима тили таҳрири	2	2	4
5.	Матн тузатиш турлари ва таҳрир принциплари.	2	4	4
	Жорий назорат (ЖН)			
6.	Матн композицияси устида ишлаш.	2	4	4
7.	Рукнлар, сарлавҳалар.	2	2	4
8.	Баён усуллари ва матн турлари.	2	4	4
9.	Матн тили ва услубини таҳлил қилиш ва баҳолаш	2	4	6
	Оралиқ назорат (ОН)			
10.	Матн ихчамлигига эришиш усуллари.	2	4	4
11.	Матнда фактлардан фойдаланиш.	2	4	4
12.	Матнда рақамларнинг қўлланиши.	2	4	4
13.	Пунктуация белгиларининг матн мазмунига таъсири	2	4	4
	Жорий назорат (ЖН)			
14.	Китоб таҳрири. Иқтибослар билан ишлаш.	2	4	2
	Яқуний назорат (ЯН)	28	48	52

Таълим бериш ва ўқитиш услуби:	Маъруза, амалий машғулотлар, мустақил ишлар (айлана стол, кейс стади, мастер-класслар)		
Мустақил ишлар:	Ўқув лойиҳалар, гуруҳли тақдимот, рефератлар, кейслар, докладлар, эссе ва ҳ.к.кўринишда бўлади.		
Маслаҳатлар ва топшириқларни топшириш вақти:	Кунлар	Вақти	Аудитория
1.			
2.			
3.			
Билимларни баҳолаш усуллари, мезонлари ва тартиби:			
ЖН ва ОНнинг баллари ишчи дастурда бериледи			
Баҳолаш усуллари	Ёзма ишлар, оғзаки сўров, ижодий ишлар ва презентациялар.		
Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш	<p style="text-align: center;">Назорат шакллари</p> <p>Баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, ижодий иш кўринишида ўтказилиши мумкин.</p>		
Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш мезони			
	Балл	Талабанинг билим даражаси	
	86 - 100 балл	<p>– талаба машғулотларга доимо тайёрлаган, жуда фаол, дастурий материалларни яхши билади, хулоса ва қарорлар қабул қила олади, ижодий фикрлайди, билимларни амалиётда қўллай олади;</p> <p>– ижодий масалаларни ҳал қилиш мобайнида тегишли билимларни қўллаш доирасини мақсадга мувофиқ танлаб, ечимни топишга хизмат қилувчи янги усул ва йўналишларни топа олади, ўқув материални моҳиятини тушунади;</p> <p>– ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юрита олади, фикрининг моҳиятини тушунира олади, матн туза олади, матн тузишда нутқий ва услубий хатоларга йўл қўймайди;</p> <p>– матнни таҳрир этиш усуллари яхши ўзлаштирган бўлади.</p>	
	71 - 85 балл	<p>– фан юзасидан барча талабларга жавоб беради, хулоса ва қарорлар қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юрита олади;</p> <p>– назарий билимларини амалда қўллай олади, фикрининг моҳиятини тушунира олади, матн туза олади, матн тузишда баъзи нутқий ва услубий хатоларга йўл қўяди;</p> <p>– матнни таҳрир этишда унинг мазмуни</p>	

		хамда моҳиятини яхши англайди, бироқ матннинг мантиқийлиги, оригиналлигини сақлаб қолишда баъзи камчиликларга йўл қўяди. –
	55 - 70 балл	– фан юзасидан баъзи талабларгагина жавоб беради, хулоса ва қарорлар қабул қилишда қийналади, ижодий фикрлай олмайди, мустақил мушоҳада юритишда қийналади; – матнни таҳрир этиш усулларини яхши ўзлаштира олмайди.
	0 - 54 балл	– талаба тасаввурга эга эмас; – талаба дастурий материалларни билмайди.
Фанга доир маърузалар ва видео роликлар:		
Глоссарийлар:		
Ахборот ресурс база:		

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулоти мазмуни

1-модул. Ўзбек тили. Унинг ривожланиш босқичлари

Ўзбек тили тўғрисидаги қонун. Унинг такомиллаштирилиши. Ўзбек адабий тили тарихи. Қошғарий, Югнакий, Хоразмий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур ва бошқаларнинг тил тўғрисидаги асарлари. Ҳозирги замон ўзбек тили. Ўзбек тилида келишиқ. Тилнинг лексик бойлиги. Ўзбек ёзуви.

2-модул. Юқори нутқ маданияти тушунчаси

Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. Унинг турлари ва таълимоти. Маданий нутқ сифатлари. Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, софлиги, мантиқийлиги ва ифодалилиги. Нутқдаги ахлоқийлик меъёрлари. Мавзу доирасида “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” (Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson) китобидаги “Журналист каби ёзиш” бобидаги маълумотлар ўрганилиб, ОАВ учун инглиз хамда ўзбек тилида журналистик асар ёзишдаги фарқ ва ўхшаш жиҳатлар таҳлил этилади.

3-модул. Нутқ меъёри ва нутқий хатоликлар

Тил, нутқ ва маданият тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги. Нутқда меъёр белгилари. Тил ва нутқ маданияти хамда нотиклик. Ўзаро ўхшашлик ва фарқлар. Хато тушунчаси. Номеъерий нотиклик. Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобидаги “Журналистикада самарали қалам тебратиш сирлари” бобидан мазкур мавзунини ўрганишда фойдаланилади.

4-модул. Нутқий хатолар таснифи

Тил ва нутқ меъёрлари ва уларнинг бузилиши оқибатлари. Тил миқёсидаги хатолар. Фонетик хато. Сўз яшаш билан боғлиқ хатолар. Морфологик хато. Синтактик хатоликлар. Нутқ миқёсидаги хатоликлар. Сўз қўллаш ва матн тузиш билан боғлиқ хатолар. Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors”нинг тегишли боблари мазкур мавзунини ўрганишда қўл келади.

5-модул. Морфологик хатоликлар

Сўз яшашдаги хатоликлар. Сўз шаклларидаги бузилиши. Сўз шаклларидаги нотўғри қўлланиши. От, сифат, сон, равиш ва бошқаларни қўллаш билан боғлиқ хатолар. Юқоридаги хатоликларни нафақат ўзбек ОАВ мисолида, балки хорижий журналистика нуқтаи назаридан ўрганиш учун Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобидаги 2, 3, 4-боблар манба сифатида қўлланилади.

6-модул. Синтактик хатоликлар

Нотўғри синтактик боғланишлар. Сўзлар тартибининг бузилиши. Гаплар қурилишидаги хатолар. Уларни аниқлаш йўллари ва усуллари. Мавзу доирасида талабаларга “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобининг “Асосий грамматика” бобини ўрганиш тавсия этилади.

7-модул. Стилистиканинг асосий тушунчалари

Стилистиканинг асосий йўналишлари, қўлланилиш соҳаси ва хусусиятлари. Стилистиканинг ўқув фани сифатидаги вазифалари. Стилистиканинг асосий тушунчалари ва категориялари. Функционал услублар тушунчаси ва унинг турлари.

8-модул. Фонетик услубшунослик

Тилнинг услубий тузилиши. Фонетик стилистика. Талаффуз билан боғлиқ муаммолар. Талаффуз стилистикаси. Оҳангнинг услубий имкониятлари. Журналист фаолиятида оҳангнинг ўрни. Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобининг “Асосий грамматика” бобидан мазкур мавзунини ўрганишда манба сифатида фойдаланилади.

9-модул. Фразеологик стилистика

Фразеологизмларнинг функционал бўёқдорлиги. Ибораларнинг ифодавий-таъсирчан бўёқдорлиги. Иборалар стилистикасининг ўзига хос хусусиятлари. ОАВда иборалар билан ишлаш усуллари ва услублари. Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобининг “Сўзларни тўғри тартибда қўллаш” бобида берилган

фразеологик бирликларга мисоллар ёрдамида хорижий ОАВда мазкур ибораларнинг қўлланиш ўрнини ўрганиш имконияти яратилади.

10-модул. Сўз ясовчи қўшимчалар стилистикаси

Сўз ясовчилар синонимияси. Сўз ясовчи қўшимчаларнинг услубий хусусиятлари. Сўз ясовчи қўшимчаларнинг услубий бўёқдорлиги. Газета матнларида сўз ясовчи қўшимчалардан фойдаланишнинг жанр билан алоқадорлиги.

11-модул. Морфологик стилистика

Морфологиянинг услубий воситаларининг умумий хусусиятлари. От стилистикаси. Олмош стилистикаси. Сифат стилистикаси. Морфологик стилистика. Феъл стилистикаси. Сифатдош ва равишдош стилистикаси. Равиш стилистикаси.

12-модул. Лексик стилистика

Лексиканинг услубий бойлиги. Услубий нейтрал, қуйи ва юқори лексика. Синонимик қаторлар ва уларнинг турлари. Бадиий услуб лексикаси. Сўзлашув услуби лексикаси. Лексик-семантик даражанинг услубий бойлиги. Шунингдек, мавзу доирасида Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобининг “Сўзларни тўғри тартибда қўллаш” мавзусидаги боби ёрдамида инглиз тилида сўз қўллаш билан боғлиқ масалалар ўрганилади.

13-модул. Услубшуносликнинг синтактик манбалари

Сўз бирикмаси. Содда гап. Қўшма гап. ОАВда, айниқса, матбуотда синтактик услубшунослик муаммолари ҳамда ютуқ ва камчиликлари. Мазкур мавзунинг ёритишда ўзбек тилидаги манбалардан ташқари инглиз тилидаги сўз бирикмаси, содда ва қўшма гапни тузиш билан боғлиқ услубий хусусиятлари Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобининг тегишли бўлимлари воситасида кўриб чиқилади.

14-модул. Ўзбек тилининг функционал услублари

Сўзлашув услуби. Бадиий услуб. Илмий услуб. Расмий услуб. Публицистик услуб. Умумий тавсиф. Услуб ва жанрлари. Публицистик услубнинг нутқий хусусиятлари. Функционал услубларнинг фонетик, лексик ҳамда грамматик хусусиятлари.

15-модул. ОАВ тили ва уни ўрганишнинг долзарб муаммолари

Оммавий ахборот воситалари тилининг умумий тавсифи. ОАВ тили учун характерли ва фарқли жиҳатлар. ОАВ тилини лингвистик жиҳатдан ўрганиш. Публицистик услубнинг белгилари ва матбуотда намоён бўлиши. Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media

Writers and Editors”нинг “ОАВда ёзиш усуллари” номли боби АҚШ ОАВда содир бўлаётган бугунги жараёнларни ўрганиш имкониятини беради.

16-модул. ОАВ тилининг лексик хусусиятлари

Телеэкран тили. Сўз ва тасвир мутаносиблиги. Радионутқ – оғзаки ошкора нутқ тури сифатида. Телевизион ва радио нутқнинг асосий белгилари (диалогизация, интимизация, индивидуализация). Радио ва телевидениеда тил, нутқ, матн, дискурс каби лисоний тушунчалар. Телевидение ва радиода ахборий кўрсатув ва эшиттиришлар матнини тайёрлаш принциплари. Янгиликлар гиперматн сифатида. Гиперматнда лингвистик боғлиқлик. Янгиликларда сўз ва тасвир мутаносиблиги. Интервью турлари тавсифи. Интервью жараёнида журналистнинг нутқий ҳаракати. Кўнгилочар кўрсатув ва эшиттиришларда бошловчи ва сухандонларнинг нутқий ҳаракатлари. Нутқий жанрлар. Ток-шоулар тили таҳлили. Интернет тил муҳити сифатида. Интернетда нутқий коммуникация. Интернетда тил жараёнинг умумий хусусиятлари. Интернетда сўз ясаиш жараёни. Компьютер – тармоқ лексикаси ва уни ўзлаштириш. “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобининг “Радиоянгиликлар тайёрлаш” ҳамда “Веб-сайтлар учун янгиликлар тайёрлаш” бобларидан мавзу доирасида радиодурналистика тилини ўрганишда фойдаланилади.

17-модул. Реклама тили ва услуги

Реклама ва ПР матнда лингвистик ва экстралингвистик воситалар. Реклама ва ПР матннинг лингво-стилистик хусусиятлари. Реклама тайёрлашда тасвир ва шовқиннинг боғлиқлиги. Рекламада тил ўйини (манипуляция, тилнинг тасвирий воситалари ва ҳ.к.).

18-модул. Ахборий жанрлар тили ва услуги

Информацион жанрларнинг тили ва услуги. Хабар. Репортаж. Интервью. Ҳисобот. Стандартлик тушунчаси. Газета-публицистик услубдаги матнлар лексик-грамматик таркиби. Мазкур мавзу доирасида Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобининг “Матбуот учун янгилик ёзиш” боби ўрганилади.

19-модул. Таҳлилий жанрлар тили ва услуги

Таҳлилий жанрлар тили: мақола, корреспонденция, тақриз, шарҳ жанрларининг лингво-стилистик хусусиятлари.

20-модул. Бадиий-публицистик жанрлар тили ва услуги

Бадиий-публицистик жанрнинг тили ва услуги. Очерк. Фельетон. Уларнинг лингвистик хусусиятлари ва экспрессивлиги. Матбуотда эмоционаллик ва экспрессивлик, газета тилига баҳо бериш.

21-модул. Таҳрир моҳияти ва вазифалари

Таҳрир моҳияти ва вазифалари. Матн муҳаррир ишининг асосий предмети сифатида. Матн талқини. Матннинг асосий хусусиятлари. Информация турлари. Матн мукамаллигини таъминлашда таҳрирнинг ўрни.

22-модул. Миллий матбуот тарихида таҳрирнинг ўрни ва аҳамияти

Миллий матбуот тарихида таҳрирнинг ўрни ва аҳамияти. Ўзбек журналистикасида таҳрир амалиёти тарихи. Миллий журналистикада таҳрир мактаблари.

23-модул. Корректурa белгилари

Корректурa белгилари. Корректурa белгиларининг халқаро стандарти. Китоб корректурасининг ўзига хослиги.

24-модул. Таржима тили таҳрири

Таржима тури. Таржима матни. Асл манба ҳамда таржима манба. Таржима тилининг матн ва услуб билан ўзаро мувофиқлиги.

25-модул. Матн тузатиш турлари ва таҳрир принциплари.

Матн тузатиш турлари ва таҳрир принциплари. Таҳрирнинг ўн қондаси. Матн тузатиш турлари: ўқиб тузатиш, қисқартириб тузатиш, ишлов бериш, қайта ишлаш. Тузатиш турларининг ўзаро боғлиқлиги.

26-модул. Матн композицияси устида ишлаш

Матн таҳрирининг мантиқий асослари. Матнни мантиқий жиҳатдан таҳлил қилиш усуллари. Мантиқий фикрлашнинг тўрт қонуни ҳамда уларнинг матнни мантиқий таҳлил қилишдаги ўрни. Мантиқий хатолар ва уларни тузатиш.

27-модул. Рукнлар, сарлавҳалар

Матннинг таркибий қисмлари: кириш, якун. Рукнлар. Сарлавҳалар. Сарлавҳалар турлари. Қисқа, расмий ёки ифодали сарлавҳа. Рукнлар тематикаси. Матннинг рукнга мослиги. “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” китобининг “Жинсий, ирқий ва бошқа турдаги камситилишлар” номли бобида келтирилган фактлар мазкур мавзунини хорижий ОАВ нуқтаи назаридан ўрганишда ёрдам беради.

28-модул. Баён усуллари ва матн турлари

Баён усуллари ва матн турлари. Матн тили ва услубини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

29-модул. Матн тили ва услубини таҳлил қилиш ва баҳолаш

Матн композицияси устида ишлаш. Матннинг таркибий қисмлари: кириш, яқун.

30-модул. Матн ихчамлигига эришиш усуллари

Матн ихчамлигига эришиш усуллари. Сўз исрофидан қочиш йўллари. Қайтариқ, пафосга берилмаслик.

31-модул. Матнда фактлардан фойдаланиш

Матнда фактлардан фойдаланиш. Фактларни унинг аҳамияти, ишончилиги, янгилиги нуқтаи назаридан баҳолаш. Муҳаррирнинг фактлар билан ишлаши.

32-модул. Матнда рақамларнинг қўлланиши

Матнда рақамларнинг қўлланиши. Матнда рақамларнинг вазифаси. Рақамлар тахрирининг ўзига хос хусусиятлари. Жадваллар билан ишлаш.

33-модул. Пунктуация белгиларининг матн мазмунига таъсири

Нуқта, қўп нуқта, вергул, икки нуқта, нуқтали вергул, сўрок, ундов, қавс, тире, дефис. Мазкур мавзуда америкалик муаллифларнинг (Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson) “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors” номли китобида келтирилган “Пунктуация” бобидаги муаммолар ўрганилади. Ўзбек ва инглиз тилларидаги пунктуацион фарқлар талабаларга тушунтирилади.

34-модул. Китоб таҳрири. Иқтибослар билан ишлаш

Китоб таҳрири. Иқтибослар билан ишлаш. Китоб аппарати устида ишлаш. Иқтибослар билан ишлаш. Иқтибос келтириш тартиби. Адабиётлар рўйхатини тузатиш.

Амалий машғулотлар

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- амалий машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;

амалий машғулотлари нафақат аниқ мавзу бўйича билимларни яқунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамдир.

Амалий машғулотларнинг тахминий рўйхати

1. Тилшуносликда нутқ маданиятининг замонавий концепцияси.
2. ОАВ тилида нутқ маданиятининг меъёрийлик аспекти.
3. Адабий тил меъёрлари: орфоэпик, орфографик, лексик, стилистик, грамматик: морфологик, синтактик меъёр.
4. ОАВ тилида нутқ маданиятининг коммуникатив аспекти. Нутқ олдида қўйиладиган талаблар: аниқлик, тўғрилиқ, мантиқийлик, софлик, ифодалилик, ўринлилик.
5. ОАВ тилида нутқ маданиятининг этик аспекти. Нутқий этикет формулалари.
6. Нутқий хато тушунчаси ва классификацияси. Лексик хатолар. Орфоэпик хатолар. Морфологик хатолар. Синтаксик хатолар. Орфографик хатоликлар.
7. ОАВ тилининг умумий тавсифи.
8. ОАВ тилини лингвистик жиҳатдан ўрганиш.
9. Матбуот тилининг лексик хусусиятлари.
10. Публицистик матнларнинг лисоний-услубий хусусиятлари.
11. Информацион жанр тили ва услуби.
12. Таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлар гуруҳига хос хусусиятлар.
13. Мақола жанрининг тили ва услуби.
14. Мақолада экспрессивликнинг ифодаланиши.
15. Очерк ва фельетон тили ва услуби.
16. Матбуот тилининг белгилари ва таъсирчанлик воситалари.
17. Матбуот тилида нутқий таъсир.
18. Матбуот тилида тасвирий воситалар.
19. ОАВ да оғзаки нутқ хусусиятлари.
20. Телевизион ва радионутқнинг асосий белгилари.
21. Радио, телевидение матнининг тузилиш принциплари.
22. Информацион кўрсатув ва эшиттиришлар матнларини тайёрлаш хусусиятлари.
23. Радио ва телевидениеда янгиликлар тили ва услуби.
24. ТВ ва радиода кўнгилочар кўрсатув ва эшиттиришлар тили ва услуби.
25. Радио ва телевидениеда интервью тили ва услуби.
26. “Ахборий эшиттириш ва кўрсатувлар тили, услуби” мавзуси бўйича талабаларнинг ижодий ишлари.
27. “Кўнгилочар кўрсатувлар тили, услуби” мавзуси бўйича талабаларнинг ижодий ишлари.
28. ОАВ тили ва нутқ маданиятида миллийлик хусусиятлари.
29. ОАВ тилида прецедент феномени.
30. Фонетиканинг услубий имкониятлари.
31. Ўзлаштирама сўзларни қўллашдаги услубий имкониятлар.
32. Фразеологизмларни бадиий ва публицистик услубларда қўллаш усуллари ва стилистик вазифалари.
33. Мақол ва ҳикматли сўзларнинг сўзлашув, публицистик ва бадиий нутқда қўлланиши.

34. Сонларнинг стилистик имкониятлари.
35. Феъл шакллариининг нутқ услубларида ишлатилиши.
36. Равишларнинг услубий хусусиятлари.
37. Ёрдамчи сўз туркумларининг услубий хусусиятлари.
38. Алоҳида сўз туркумларининг услубий имкониятлари.
39. Синтаксиснинг стилистик воситаларга ва имкониятларга бойлиги.
40. Гапнинг ифода мақсадига кўра турларининг услубий хусусиятлари.
41. Гап бўлаклари синонимияси.
42. Уюшиқ бўлаklar ва ажратилган бўлаklarнинг услубий хусусиятлари.
43. Киришларнинг маъно хусусиятлари.
44. Гапнинг коммуникатив турлари стилистик имкониятлари. Мураккаб кўшма гаплар ва матн.
45. ОАВ тилининг умумий тавсифи.
46. Матнларнинг лисоний-услубий хусусиятлари.
47. Ёзма ва оғзаки нутқ.
48. Нутқнинг функционал белгилари.
49. Услубий меъёр.
50. Сўзлашув услуби.
51. Расмий услуб.
52. Илмий услуб.
53. Публицистик услуб.
54. Бадиий услуб.
55. Стилнинг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятлари.
56. Тил ва таҳрир.
57. Матнни нашрга тайёрлаш.
58. Сўз танлаш ва қўллаш маҳорати.
59. Корректурa белгиларининг қўлланиши.
60. Матн таҳририда тузатиш турларидан фойдаланиш.
61. Таржима тили таҳрири.
62. Матндаги мантиқий хатоларни аниқлаш ва тузатиш.
63. Матн композицияси устида ишлаш: кириш, якун.
64. Матн композицияси устида ишлаш: рукнлар, сарлавҳалар.
65. Публицистик материалларда баённинг ҳикоя қилиш туридан фойдаланилиши.
66. Публицистик материалларда баённинг тасвирлаш туридан фойдаланилиши.
67. Баённинг мулоҳаза юритиш тури. Унинг матнда қўлланиши ва таҳрири.
68. Баённинг таърифлаш тури. Унинг матнда қўлланиши ва таҳрири.
69. Матн тили ва услубини таҳлил қилиш ва баҳолаш.
70. Пунктуация белгиларининг матн мазмунига таъсири.
71. Қайтариқ сўзлар ва такрорлардан қочиш йўллари.
72. Таҳрир жараёнида фактлар билан ишлаш. Уларни текшириш ва тузатиш усуллари.
73. Иқтибослар, ҳаволалар билан ишлаш.
74. Адабиётлар рўйхати билан ишлаш.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш

Курс ишини ёзиш 3-курснинг 1-семестрига мўлжалланган бўлиб, унда курс бўйича ўтилган барча мавзуларни ўз ичига қамраб олади ва талабаларга тақдим этилади.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

“Таҳрир маҳорати” фанидан курс иши муайян мавзу бўйича умумий яхлитликка эга илмий-амалий фикрларни акс эттирувчи лойиҳавий иш ҳисобланади. Курс иши мавзунинг долзарблиги ва эришилган натижаларнинг амалиётга татбиқи, унинг услубий даражаси ҳамда расмийлаштирилишига қараб баҳоланади. Курс ишини бажаришнинг муҳим босқичи режада белгиланган саволлар ёритилишида ўзаро назарий ва амалий алоқадорликни таъминлашдир. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри шакллантириш талабага унинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб олиш ҳамда кўзланган натижага эришиш йўллари, шунингдек, курс ишини тайёрлаш босқичларини кетма-кет бажаришга имкон яратади. Курс ишининг таркибий тузилишини тўғри ишлаб чиқиши талабага изланишнинг олдида қўйилган мақсад ҳамда натижаларини аниқ ифодалаш, фикрларни мантиқий баён этиш услублари ва курс ишини тайёрлаш босқичларини ажратиш имконини беради.

Курс иши талабанинг салоҳияти ҳамда фан бўйича чуқур билим ва амалий кўникмага эгаллигини намоён қилади. Курс ишида ўрганиладиган масалаларнинг назарий жиҳатлари, аниқланган муаммоларини, қўйилган вазифаларни таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал этишни кўзлаган ҳолда режа тузилади ва шу асосида бажарилади. Талаба курс иши бўйича изланиш натижаларини ёритишда услубшуносликнинг назарий ҳамда амалий асослари юзасидан орттирган билимларини амалда таҳлил орқали намоён этади.

Курс ишини ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- матнни услубий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- тўпланган материалларни етарлича ўрганиш;
- таклиф ва тавсияларни асослаб бериш;
- фикрни кетма-кетликда, муайян изчилликда баён қилиш;
- курс ишини қўйилган талаблар бўйича расмийлаштириш.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талаба “Таҳрир маҳорати” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

1) мавзулар бўйича конспект (реферат, тақдимот) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

2) ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;

3) **фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш.** Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;

4) **ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш.** Фан мавзуларини ўзлаштириш, курс иши, битирув малакавий ишларини ёзишда мавзу бўйича ИНТЕРНЕТ манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;

5) мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;

6) амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш;

7) илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;

8) масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.

Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўллари аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсида олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб боровчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзунини ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб боровчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсида амалга оширилади.

Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуги ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Шунингдек, фан таркибидаги мавзулар мустақил равишда ахборот ресурс марказларида ва ОАВ да эълон қилинган журналистик материаллар асосида ўрганилади. Талабалар шунга биноан тақдимотлар ва лойиҳалар тайёрлайдилар. Академик гуруҳларда уларнинг намоишини ўтказадилар.

Тавсия этиладиган мустақил таълим мавзулари

1. Қомусий асарларда нутқ маданияти масалалари.
2. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати.
3. Замонавий ОАВ тилида синтактик меъёрларнинг бузилиши.
4. ОАВда нутқий хато типологияси.
5. Журналист нутқ одоби.
6. Матбуотда орфографик меъёр масалалари.
7. Газета сарлавҳаларининг лисоний-услубий хусусиятлари.
8. Янгиликнинг стилистик-жанр белгилари (маданият хабарлари, спорт, маҳаллий, чет эл хабарлари ва бошқалар).
9. Телевидение инфорацион жанрининг тили.
10. Радиода интервью ва суҳбат.

11. Телевизион мулоқот шакли. Кўнгилочар кўрсатувлар тили ва услуги (бошловчи образи).
12. Радиода аналитик жанр тили, услуги.
13. Телевидение тилида нутқий хатолар.
14. ОАВда бахс-мунозара маданияти.
15. ОАВда ошкора нутқ.
16. Ахборий нутқни ижро этиш санъати.
17. Ахборий нутқ. Унинг тузиш ва ижро этиш санъати.
18. ОАВ тили ва нутқ маданиятида миллийлик хусусиятлари.
19. Тил бирликларининг услубий бўёқдорлиги.
20. Газета сарлавҳаларининг лисоний-услубий хусусиятлари.
21. Янгиликнинг стилистик-жанр белгилари (маданият хабарлари, спорт, маҳаллий, чет эл хабарлари ва бошқалар).
22. Мақоланинг услубий, экстралингвистик белгилари: фактлар, янги хабарлар, хабар қилинаётган воқеанинг ижтимоий аҳамияти, оперативлиги.
23. Нутқнинг функционал услублари.
24. Нутқнинг ифодалилигини оширувчи воситалар: троп ҳамда фигуралар
25. ОАВ матнининг услубий жиҳатдан таҳлили.
26. Таҳрир жараёнида синоним, антоним, омонимлардан фойдаланиш.
27. Корректур ва таҳрир.
28. Ижтимоий-сиёсий матнларни таҳрир қилиш.
29. Радио тили ва таҳрир.
30. Журнал таҳрири.
31. Таржима тилини таҳрир қилиш.
32. Илмий матнлар таҳрирининг масъулияти.
33. Интернет матни таҳрири.
34. ТВ матнлари таҳрири.

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан:

Ўзбек тили, унинг ривожланиш босқичлари, юқори нутқ маданияти тушунчаси, нутқий хатолар таснифи, морфологик хатоликлар, синтактик хатоликлар, стилистиканинг асосий тушунчалари, фонетик услубшунослик, фразеологик стилистика, сўз ясовчи қўшимчалар стилистикаси, морфологик стилистика, лексик стилистика, услубшуносликнинг синтактик манбалари, ўзбек тилининг функционал услублари мавзуларига тегишли маърузаларда диалогик ёндошув, муаммоли таълим, мунозара, ўз-ўзини назорат, блиц сўров, гуруҳли фикрлаш каби педагогик технологиялардан;

ОАВ тили ва уни ўрганишнинг долзарб муаммолари, ОАВ тилининг лексик хусусиятлари, реклама тили ва услуги, ахборий жанрлар тили ва услуги, таҳлилий жанрлар тили ва услуги, бадиий-публицистик жанрлар тили ва услуги каби маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан;

таҳрир моҳияти ва вазифалари, миллий матбуот тарихида таҳрирнинг ўрни ва аҳамияти, корректур белгилари, таржима тили таҳрири, матн тузатиш турлари

ва таҳрир принциплари, матн композицияси устида ишлаш, рукнлар, сарлавҳалар, баён усуллари ва матн турлари, матн тили ва услубини таҳлил қилиш ва баҳолаш, матн ихчамлигига эришиш усуллари, матнда фактлардан фойдаланиш, матнда рақамларнинг қўлланиши, пунктуация белгиларининг матн мазмунига таъсири, китоб таҳрири, иқтибослар билан ишлаш каби мавзуларга оид маъруза машғулотларида кичик гуруҳлар мусобақалари, мунозара, муаммоли фикрлаш, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Brian S. Brooks, James L. Pinson, Jean Gaddy Wilson “Working with Words: A Handbook for Media Writers and Editors”, 8th Edition. – Bedford/St. Martin's, 2012.
2. Toxirov Z. Adabiy tahrir. – T.: Cho'lpon NNMIU, 2012.
3. Тешабаева Д. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. – Т.: Фан ва технология, 2011.
4. Голуб И.Б.. Литературное редактирование: учеб. пособие. – М.: Логос, 2010.
5. Солганик Г.Я. Практическая стилистика русского языка: учебное пособие. Изд.4. – М.: Academia, 2010.

Қўшимча адабиётлар

1. Богданова Л.И. Стилистика русского языка и культура речи. Лексикология для речевых действий. – М.: Флинта: Наука, 2011.
2. Былинский К.И., Розенталь Д.Э. Литературное редактирование. –М.: ФЛИНТА, Наука, 2011.
3. Голуб И.Б. Стилистика русского языка. – М., 2010.
4. Сбитнева А.А. Литературное редактирование: история, теория, практика. – М., 2014.

Интернет сайтлари

1. [mediakritika.by>article>kurs-po-redaktirovaniya](http://mediakritika.by/article/kurs-po-redaktirovaniya)
2. www.redaktoram.ru
3. [ro.ecu.edu.au>cgi>viewcontent](http://ro.ecu.edu.au/cgi/viewcontent)
4. connection.ebscohost.com